



Халқаро анжуман

МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Самарқандда “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида кўплаб нуфузли тузилмалар ҳамда етмишдан ортиқ мамлакат экспертлари иштирокида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад дунёда ўхшаши бўлмаган ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти — юртимиздаги маҳалла тизими фаолиятини кенг тарғиб этиш, маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ва орттирилган илғор тажрибани кенг оммалаштиришдан иборат.



Кейинги йилларда юртимизда маҳалла институти чинакам халқчил тузилмага айлантириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар қилиняпти. Хусусан, маҳаллаларда маънавий-маърифий ислохотлар билан бир қаторда аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оналарга манзилли ёрдам кўрсатиш, ишсизларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизда маҳалла институти мақоми мустаҳкамланди. Барча соҳа ва йўналишлар бўйича маҳаллабай ишлаш тизими жорий қилиниб, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили

амалиётга татбиқ этилди. Охири етти йилда тизимни такомиллаштиришга доир юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, “маҳалла еттиллиги”дан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара берапти.

Бугун тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби муҳим

йўналишларда маҳалланинг иштироки тобора кенгаймоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш борасида кейинги йиллардаги хайрли ишлар натижасида 3,5 миллион аҳолини даромадли қилиш орқали камбағаллик даражаси 11 фоизга туширилди.

► Давоми 2-бетда

Таҳлил

Шаклланаётган “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ:
БИЗ ҚАЕРДА ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙЯПМИЗ?

ТАҚЧИЛЛИК ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМ

Бир-иккита кўмир конини ҳисобга олмганда, энергетика, ресурси деярли мавжуд бўлмаган Вьетнам яқин йилларгача энергетика тақчиллигидан азият чекар эди. Кўмир ёрдамида ишлайдиган санокли иссиқлик электр станциялари жадал ривожланаётган мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли эҳтиёжини қоплай олмаслиги вақт ўтган сари қундай равшан бўлиб борарди.

Шу боис, 2017 йилга келиб, мамлакатда муқобил энергетика манбаларини яратиш борасида жиддий ислохотлар ўтказилди. Соҳага кўплаб инвестиция жалб қилиниши баробарида куёш панеллари ўрнатиб, “яшил” энергия ишлаб чиқариш орқали оддий вьетнамликлар ҳам яхши даромад топиши мумкинлиги аҳолига атрафлича тушунтирилди. Рағбатлантирувчи дастур ишга туширилиши туфайли одамлар йиққан-терганига оммавий тарзда куёш панелли сотиб олиб, уйининг томига ўрната бошлади. Ҳар бир киловатт электр энергиясини давлат ўша вақтда 9 центдан сотиб оларди. Электр энергияси четдан импорт қилинаётганидан қимматга тушишига қарамай, Вьетнам бу дастурга катта пул тикди.

Саъй-ҳаракатлар натижаси узоқ куттирмади. Орадан икки йил ўтиб, мамлакат электр энергияси импорт-чиқсидан экспортчисига айланди. 2020 йилда Вьетнамда электр энергиясининг деярли чорак қисми куёш панелли орқали ишлаб чиқарилди. Ушбу даврга келиб, мамлакатда 9,3 гигаваатт қувватга эга бўлган юз мингдан ортиқ куёш панелли ўрнатилган. Бу кўмирда ишлайдиган қарийб олтига электр станциясининг қувватига тенг эди. Қолаверса, атраф-муҳитга йилига ўртача 14 минг тонна карбон диоксиди чиқиб кетишининг олди олинди.

► Давоми 4-бетда

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

► 3-бетга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН КЎПЛАБ
КРЕАТИВ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН МУҲИМ МАДАНИЯТ
МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Креатив иқтисодиёт бўйича IV жаҳон конференцияси хорижий иштирокчилари анжуман ҳақида

2-4 октябрь кунлари Тошкентда Креатив иқтисодиёт бўйича IV жаҳон конференцияси (WCSE-2024) бўлиб ўтмоқда.



Конференция креатив иқтисодиётнинг келажаги ва ривожланаётган технологиялар, жумладан, сунъий интеллектнинг ушбу динамик соҳага таъсирини муҳофама қилиш мақсадида бутун дунёдан 2000 дан зиёд иштирокчини бирлаштирди.

“Инклюзив креативлик: ўзгарувчан реаллик” мавзусида бўлиб ўтаётган анжуман технологияларнинг жадал ривожланиши, айниқса, сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Воқеаларга бой ўтаётган конференция хорижий иштирокчилар томонидан юқори баҳолянипти.

► Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб
остонасидан бошланади

ЧИН ИНСОНЛИК КИТОБИГА
БАХТУ ҲИКМАТ БИТГАНЛАР

Юртимизда кутлуг байрам — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni шукухи кезиб юрибди. Сана муносабати билан алоҳида ўрнатилган таълим соҳаси ходимлари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жамиятимиз бинокорларининг ислохотлардаги фаоллиги, Учинчи Ренессанс ижодкорларини тарбиялаш борасидаги катта хизматлари муносиб эътироф этилди.

► Давоми 5-бетда

РАҚАМЛИ МУҲИТДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

Бу борадаги таъсирчан ҳуқуқий ва ташкилий ишлар
бунёдкорлик салоҳияти ошишига замин яратади

Бугун инсоният табиий ресурслар чекланган шароитда ҳаёт кечирмоқда. Шундай вазиятда барқарор ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун кўплаб омиллар қатори интеллектуал мулкни ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Зеро, интеллектуал мулк ўз эгасига йиллар давомида даромад келтиради, қиймати эса моддий объектлардан фарқли ўлароқ камаймайди. Шу боис, бу соҳани ривожлантириш,

муаллиф ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

► Давоми 2-бетда



Уни маърифатли, садоқатли ва
фидойи шахслар яратади

6

МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ҚАНДАЙ?



Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 қарра кенгайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фоизли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг кишига дехқончилик учун ажратилди.

Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори жамиятимиздаги янгиланишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ушбу ҳужжатлар асосида Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ва ҳудудий тузилмалари ташкил этилди.

Ҳар бир фуқаролар йиғинида “маҳалла еттилиги” шакллантирилиб, аниқ вазибалари, биргаликда қиладиган ишлари белгилан берилди. Маҳалла ҳодимлари фаолиятининг асосий самардорлик кўрсаткичлари бўйича алоҳида баҳолаш тартиби жорий этилмоқда. Барча маҳаллаларда “маҳалла бюджети” тизими йўлга қўйилди. Энг муҳими, маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколати кучайтирилди. Энди “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга ошириляпти.

Қолаверса, барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушган ҳолда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиб, жойида ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Шу билан бирга, аҳоли учун ўзини қийнаётган муаммолар юзасидан маҳаллага мурожаат қилиш тизими яратилди. Бу тизим йилдан йилга такомиллашиб, “Инсон қадри учун”, “Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” каби инсонпарварликка йўғрилган эгзу тамойиллар ижросининг муҳим кўзгусига айланмоқда.



Бугун маҳаллага мурожаат қилиш орқали кўпгина масалаларга ижобий ечим топиляпти. Айниқса, кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган, ҳаёт кечириш учун зарур бўлган йўл, сув, электр энергияси, газ ва бошқа шу каби масалалар юзасидан келиб тушган мурожаатлар ечими бўйича маҳаллалар тизимли ишламоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН КЎПЛАБ КРЕАТИВ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МУҲИМ МАДАНИЯТ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Жан-Мишель КРОВСИ, “Hangar Y” галереяси бош директори (Франция):



— Тошкентда бўлиб ўтаётган Креатив иқтисодиёт бўйича IV жаҳон конференциясида иштирок этиётганимдан хурсандман. Бу жуда муҳим мавзу. Тошкент конференцияси аллақачон бутун дунёдан кўплаб иштирокчиларни ўзига жалб этган ҳолда кенг танилди. Ўзбекистон пойтахти кўплаб креатив лойиҳалар амалга оширилаётган муҳим маданият марказига айланмоқда. Тадбирнинг ўзи ижодкорлар замонавий дунёда маданиятнинг ўрни ҳақида янги ғояларни алмашиш зарурати бўлган бир пайтда ўтказилляпти.

“Конференциядан умидларим жуда катта. Анжуман иштирокчилари креатив соҳадаги сўнгги янгиликлар, маданият ва санъатни кенг оммага етказиш, сўнгий интеллектнинг таъсири ва маданият соҳасидаги бошқа долзарб масалаларни муҳокама қилмоқда.

Мен “Метрополис музейи: шаҳар рассомлар ва ижодкорлар уйи

“Мазкур конференция Ўзбекистонга ўз ютуқларини намойиш этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва креатив индустрияни ривожлантиришни рағбатлантириш имкониятини тақдим этади. Бу эса мамлакатингизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.



Ван ЦОЙДУН, Пекиндаги дунёга машхур “Тугун” музейи директори:

— Ўзбекистонга келиб, креатив иқтисодиётга бағишланган бундай муҳим тадбирда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Форум Ўзбекистонда илк бор ўтказилмоқда. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётини катта ўзгаришлардан далолат беради. Анжуманда дунёнинг кўплаб давлатларидан вакиллар иштирок этиётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Хитой иқтисодиётининг турли тармоқларига иқтисослашган йирик компаниялар раҳбарларидан иборат делегацияга бошчилик қилиш мен учун катта шарафдир.

Ишончим комилки, мазкур тадбир Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига, янги юксалиш нукталари ва креатив имкониятларни топишга хизмат қиладди.



“Дунё” АА

Дон И, “CCTV-4” телеканали бош муҳаррири (Хитой):

— Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Креатив иқтисодиёт бўйича IV жаҳон конференциясини ёритишда Хитой ОАВ вакили сифатида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишляпти.

Анжуманда маданият ва санъат намояндалари, сиёсатчилар ҳамда тадбиркорлар ўз тақдимотлари довомида турли соҳаларда янги ечимлар ишлаб чиқишда креатив ёндашув ва инновациялар ҳақида муҳим маълумотлар билан ўртоқлашляпти.

Ўйлаймани, мазкур тадбир креатив ва ижодкор инсонлар учун ўзига хос майдонга айланади. Бугун бутун дунёда янги технологиялар жадал ривожланмоқда, сўнгий интеллект имкониятларидан фойдаланилмоқда, ахборот технологиялари ҳар бир инсон ҳаётига кириб бормоқда.

Бундай шароитда ушбу форумни ўтказиш, менимча, нафақат Ўзбекистон, балки унинг барча иштирокчилари учун ҳам жуда долзарб.

РАҚАМЛИ МУҲИТДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

“Қонунда шу каби долзарб вазибалар ечимига оид муҳим чора-тадбирлар ўз аксини топди. Хусусан, интеллектуал мулк объектларидан қонунга сиёф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқ эгасининг талабига кўра ҳуқуқбузар томонидан тоовон тўлаш тартиб-таомили жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар кўрилмақда. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик асослари яратилиб, амалий ишлар йил сайин такомиллашляпти. Интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича Ўзбекистон қатор халқаро конвенцияларга қўшилган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Ушбу йўналишда қонунчилигимизда белгиланган тамойилларни рўёбга чиқариш мақсадида давлат ваколатли органлари ташкил этилиб, тегишли тартибда иш юритилляпти. 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Унда жамиятда интеллектуал мулкка ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида кўрсатилди.

Ҳозир мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида муҳим қадамлар қўймоқда. Бунга эришиш учун савдо ва хизматлар соҳасидаги ишларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш баробарида ижодий ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ишлар қамровини янада кенгайтириш лозим.

Президентимиз жорий йил 10 сентябрда имзолаган “Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борада муҳим қадам бўлди.

— Кейинги йилларда юртимизда иқтисодиёт тармоқларига интеллектуал фаолият натижаларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар қилиняпти, — дейди Олий

Мажлис Сенати аъзоси Одилжон Иминов. — Бу борада қўзланган натижаларга эришиш учун интеллектуал мулкни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш устувор вазибадир. Ҳозир бу масалаларга давлат даражасида эътибор қаратилиб, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари такомиллаштирилляпти. Жумладан, саноат мулк объектларини рўйхатга олиш муддатини сезиларли даражада қисқартирувчи тезкор экспертиза ўтказиш имконияти таъминланди. Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берувчилар томонидан тадбиркорлик субъекти мақомига эга бўлиш бўйича қонунчиликдаги чекловлар бекор қилинди. Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олишнинг барча bosқичини ўз ичига олган, такомиллаштирилган интеллектуал мулк бўйича электрон давлат хизматлари портали ишга туширилди. Экспорт қилувчилар учун 2025 йилгача хорижда географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш харажати давлат томонидан қоплаш тартиби жорий этилди. Албатта, бу ишлар ўз самарасини берапти. Шу билан бирга, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал фаолияти натижасидан яратилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда



фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда мустаҳкамлаш лозим. Бундан ташқари, интеллектуал мулкнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун қонунчиликни такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш заруратини юзага келтирмоқда.

Қонунда шу каби долзарб вазибалар ечимига оид муҳим чора-тадбирлар ўз аксини топди. Хусусан, интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқ эгасининг талабига кўра ҳуқуқбузар

томонидан тоовон тўлаш тартиб-таомили жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришларни киритилди. Жумладан, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунга киритилган қўшимчага кўра, патент эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда саноат мулк объектидан фойдаланаётган шахсдан зарар қоплатишни ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробарини 1000 баробаригача миқдорда тоовон тўлаш тартиби жорий этилмоқда. Шу билан бирга, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунга ўзга шахсларга тегишли интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонунчилигимизга киритилган ушбу янгилıklar жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш ва рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг таъсирчан механизмлари тизимини шакллантиришга хизмат қиладди.

Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА, журналист

фойдаланаётган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади.

Мазкур қонун билан, шунингдек, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунга ҳам ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра, товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда, яъни унинг рухсатисиз фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, “Фирма номлари тўғрисида”ги қонунга фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларига зарар ўрнини қоплаш ва зарарларнинг қоплатиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробарини 1000 баробаригача миқдорда тоовон тўлаш тартиби жорий этилмоқда. Шу билан бирга, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунга ўзга шахсларга тегишли интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонунчилигимизга киритилган ушбу янгилıklar жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш ва рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг таъсирчан механизмлари тизимини шакллантиришга хизмат қиладди.



ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИДИР



Хуқуқлар, имкониятлар тенглиги, ҳар бир инсон фаровонлигига интилиш давлат ва жамият барқарор ривожланишининг муҳим, устувор мезонларидан ҳисобланади. Дунёда ҳукм сураётган мураккаб ҳозирги шароитда бу масаланинг кадр-қиммати, аҳамияти янада ортган. Бинобарин, ижтимоий тенгсизлик, аҳоли турли қатламлари ўртасида тафовутлар пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Иқтисодиётнинг барқарор раванқ топиши учун ҳам давлат ижтимоий адолатни таъминлаши, бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя механизмларининг кенг қамровини ва изчиллигини кафолатлаши керак.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 15 ёшгача бўлган 1,4 миллиард боланинг ижтимоий ҳуқуқлари таъминланмаган. Дунё аҳолисининг атиги 29 фоизи ижтимоий ҳимоя тизимлари билан етарли даражада қамраб олинган бўлса, 55 фоизи бу қамровга тўлиқ эга эмас.

Матълумки, шундай шароитда бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари бозор иқтисодиётининг ижтимоий тенгсизлик ва камбағалликка олиб келадиган жараёнларини жийдалаш мақсадида давлатнинг ижтимоий сиёсатини кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон бугун жаҳон минбарларида ҳар бир фуқароси учун гамхўрлик қиладиган ижтимоий давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида тизимда олиб борилаётган ислохотлар ҳам, очиги, бир оз қийин кечаётган бўлса-да, аста-секин бўй кўрсатмоқда.

Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам йил сайин ўсиш динамикаси кузатишмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги конституциявий мақоми таъминлашда давлат бошқарув идоралари билан бир қаторда нодавлат институтлар, жамоатчилик, асосий, сиёсий партиялар биринчилар сафида пухта ўйланган, натижадор таклиф-ташаббусларнинг иходкорлари бўлмоғи керак.

Шу маънода, Халқ демократик партияси бозор иқтисодиётининг ижтимоий самарадорлигини оширишга ургу бериб келаётгани, янги Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишда аниқ, ҳаётий ва халқчил таклифларни киритгани замирида бир ҳақиқат турибди. Бу инсонпарварлик, тенглик ғояларини ислохотларга чуқур сингдириш, ижтимоий адолат ва бирдамликни ҳамма нарсадан устун қўйиш мақсади билан боғлиқдир.

Давлатнинг фаол роли ва иштироки муҳим

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодиётни ижтимоий барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим деб ҳисоблайди.

Чунки дунё таърибасидан аёнки, эркин бозор қонунлари баъзан ижтимоий тафовутларнинг, тенгсизликнинг чуқур илдириги сибаб бўлиши мумкин. Бу эса ижтимоий давлат барпо этиш учун тўсиқдир. Қолаверса, самарали бошқарувга эга давлатнинг асосий тартибга солувчилик роли бозор муносабатларини рағбатлантириб, ижтимоий-иқтисодий фойда келтиради. Бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмайди.

Аммо UzLiDeP Сайловолди дастурида илгари сурилаётган иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улусини ошириш ғояси бизнинг позициямизга зид деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётда давлатнинг иштироки бўлиши шарт, давлат тартибга солувчи ва ташаббускорлигидан воз кечмаслиги лозим.

Бундан ташқари, давлат мулкни хусусийлаштиришга доир таклифга ҳам тўлиқ қўшили олмаймиз. Масалан, стратегик аҳамиятга эга корхона ва заводларни хорижий инвесторларга топшириш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу давлатнинг бошқарувчилик салоҳиятига ва ижтимоий ҳаётни тартибга солиш механизмига салбий таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Халқ демократик партияси бозор иқтисодиётининг ижтимоий самарадорлигини оширишга ургу бериб келаётгани, янги Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишда аниқ, ҳаётий ва халқчил таклифларни киритгани замирида бир ҳақиқат турибди.

“

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА УРГУ БЕРИБ КЕЛАЁТГАНИ, ЯНГИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ҲАМ БУ ЙЎНАЛИШДА АНИҚ, ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ ТАКЛИФЛАРНИ КИРИТГАНИ ЗАМИРИДА БИР ҲАҚИҚАТ ТУРИБДИ. БУ ИНСОНПАРВАРЛИК, ТЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИ ИСЛОХОТЛАРГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИКНИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ҚЎЙИШ МАҚСАДИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР.

барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш ҳозирги паллада ҳар томонлама тўғри ечим бўлади. Ушбу таклиф давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали уюлалашда имкониятларни кенгайтиришга муҳим туртки беради.

Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ўй-жой билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида гап кетганда, “Адолат” партияси Сайловолди дастуридаги фуқароларнинг ўй-жойли бўлишга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда субсидиялар тизимини такомиллаштириш борасидаги таклиф ўзини оқламайди. Бизнингча, бу борада бошқа самарали иқтисодий ва ижтимоий механизмлар бор. Халқ демократик партияси мазкур йўналишда, масалан, ижтимоий ўй-жойлар барпо этишни таклиф қилмоқда. Биз таклиф қиладиган янги механизм эҳтиёжманд кам даромадли фуқаролар учун янада самаралироқ ҳисобланади.

Ижтимоий тенгликни таъминлаш

ХДП даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

ИЖТИМОЙ Давлат учун!

Бундай чоралар айрим ривожланган мамлакатларда аҳолининг иқтисодий табақалашувининг олдини олишга хизмат қилган. Масалан, АҚШда йиллик даромади 11 минг доллардан кам бўлган фуқароларга 10 фоизли солиқ ставкаси қўлланади, 578 минг доллардан юқори даромадлилар эса 37 фоизга солиқ тўлайди. Хитойда 36 минг юандан кам топганлар 3 фоиз, 960 минг юандан ортиқ топганлар эса 45 фоиз солиқ тўлайди. Францияда оила аъзоларининг қўшма даромадлари инобатга олинади: 11 294 евродан кам олаётганлар солиқ тўламайдилар, аммо 177 106 евродан ортиқ даромадлилар 45 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайдилар.

Бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизими юқори даромад ва бойликка эга бўлган шахсларни солиққа тортиш орқали ижтимоий тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида

Сайловолди тарғибот кампанияси қизгин давом этаётган даврда сайловчилар, юртдошларимиз сиёсий партияларнинг дастурий мақсад-ғоялари билан яқиндан танишмоқда, ўрганмоқда, таққосламоқда. Иқтисодиётимиз ривожининг ҳозирги босқичида ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон орзу-мақсадларига етиши учун шароит ва имконият яратиш, турмуш фаровонлиги бўйича давлатнинг ҳисобдорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Партиямиз Сайловолди дастурида бу бўйича аниқ, ҳаётий таклиф-ташаббуслар илгари сурилган. Иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги учун Халқ демократик партиясига ва номзодларига овоз беринг!

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,
Қизилтўқ ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

да ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигига олиб келади. Халқ демократик партияси давлат харидлари тизимида шаффофликни ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришни ўта муҳим деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сиёсатнинг “барометри”

Халқро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, 2024 йилда дунё бўйича ишсизлар сониники миллионга ошиши ва глобал ишсизлик даражаси ҳозирги 5,1 фондан 5,2 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. Катта йиғирматалик давлатларининг кўпиди ихтиёрий даромадлар камайтириш ва инфляция натижасида турмуш даражасининг пасайиши қисқа муддатда деярли тикланмайд.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бу масала жуда долзарб. Мана шундай шароитда аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқибли, изчил амалга оширилмоқда. Бинобарин, бандлик соҳасига ижтимоий сиёсатнинг “барометри” дея таъриф бериш мумкин.

Эътиборлики, бу соҳада Ўзбекистонда етарли тажриба тўпланди, ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортди. Лекин ўзгаришларга қарамай, вақтинча ишсиз фуқаролар, асосан, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш муҳим.

Халқ демократик партияси бу борада ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий сугурта миллий моделини жорий қилишни таклиф этмоқда. Бу шундай тизим бўладики, иш топишда қўйналётган, турли сабаблар билан иш жойидан айрилган, вақтинча ишсизлар қаторида турган инсонлар манзилли қўллаб-қувватланади. Айни пайтда у фуқароларни боқимандаликка эмас, ижтимоий-иқтисодий фаол бўлишга ундайди.

Иқтисодий тараққиётнинг локомотиви

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида инвестициялар оқимини кенгайтириш, бунинг учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шароитни яратиш муҳим.

Иқтисодиётимизга маблағ киритиш истиқтида бўлган ҳар қандай инвестори биринчи навбатда шароит, имконият қизиктиради. Айниқса, қандай имтиёз ва преференциялар тақдим этилгани ҳам аҳамиятли.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Утган йил якуни бўйича бу ўсиш 5,5 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Инвестициялар иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйвери ҳисобланади. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш мақсадида маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Бу Сайловолди дастуридаги муҳим ташаббуслардан биридир.

Содда қилиб айтганда, хорижий инвесторга ҳам, маҳаллий инвесторга ҳам бир қўз билан қаралиши муҳим. Бу экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқларо кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодимизни ислох қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодиёт соҳасидаги айрим ташаббуслари тадбиркорлар, хусусан, фермерлар учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, партиянинг “2030 йилга қадар пестицидлардан фойдаланиш ҳажмини 50 фоиз камайтириш” тўғрисидаги таклифи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини еттиштирувчилар учун муайян қийинчиликлар олиб келиши мумкин. Фермер, деҳқонларимиз турли зараркунанда жонзотлар ва ҳайвонотлардан ҳамда ўсимликлардан ҳимоя қилиш учун пестицидлар ишлатишга мажбур. Бўлмаса, маҳсулот нобуд бўлиши ёки ҳосилга зарар етиши мумкин. Умуман олганда, мазкур таклиф иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан Экопартия томонидан чуқур ўйланмасдан кўтариб чиқилган масала деб ҳисоблаймиз.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади

ЧИН ИНСОНЛИК КИТОБИГА
БАХТУ ҚИЖМАТ БИТГАНЛАР

Бошланиши 1-бегда

Озода АБДУРАХМОНОВА,
“Ўзбекистон Республикаси халқ
ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиб:

— Юксак давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитганимда бутун вужудим титраб кетди. Бу ҳолатимни сўз билан ифодалай олмайман. Очиги, кутмаган эдим. “Халқ ўқитувчиси” деган унвоннинг ўзида жуда катта маъно бор. Чунки биз халқнинг фарзандларини ўқитамиз. Халқ бизга ишонади. Бутун билимни, болаларнинг эртанги келажagini биздан кутади. Бу катта масъулият. Мукофот сиздиқидан ишлашимга янада иштиёқ берди.

Ихтиёр МАТМУРОДОВ,
“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими” фахрий
унвони соҳиб:

— Шовот туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда болаларга математика фанидан сабоқ бераман. Соҳада ишлаётганимга 33 йилдан ошди. Инсон ўзи севган касб билан шугуллансагина, муваффақиятга эришиши мумкин. Отамдан мерос шу касбни танладим. Шу касбдан ризқ-баракка, ҳаловат топдим. Ўқитувчи фақат маош олиш учунгина бу касбни танламайди. Болаларга меҳр қўйган, мактабни, соҳасини севган инсонгина яхши ўқитувчи бўла олади. Тажрибамда энг қийин пайтларда ҳам мактабни тарк этмаган ана шундай ҳамкасбларимни кўп учратганман. Ўз фаолияти доирасига тегишли бўлмаган ишларга жалб қилинган, аммо ўқитувчиликни шараф деб билган, бугун эса касбининг машаққати ортдан эътибор ва эътироф топаётган устозларни ҳар биримиз ҳаётимизда учратганимиз. Шулар қаторида эканимдан бахтиёрман.

Инновацион усуллар асосида дарс ўтишга ҳаракат қиламан. Дарсда бир-бирига текширувчи ва кўмакдош бўлиш усулини ишлаб чиқдим. Бу математикани осон тушунтиради, дарсинг қизиқarli бўлишига ёрдам беради. Эртага ўқувчи қайси соҳада фаолият юритмасин, фани яхши билишига замин яратди. Билими яхши болани ўзлаштириши бир оз сўз тенгдоши билан боғлаб қўйиш ҳам натижа берди. Шу тариқа ўқувчилар математикани қизиқиб ўқиш бошлашига эришдик. “Математика — ақл гимнастикаси”, дейишди. Уни ўргатиш эса икки баробар ўрганишдир. Дарсга кирар эканман, болаларнинг кўплаб саволларга жавоб, билим ва салоҳият

Онгарбай КУРБАНОВ,
“Шухрат” медали соҳиб:

— Нукус шаҳридаги Президент мактабидан физика фанидан сабоқ бераман. Ҳаётнинг қай бир йўналишини оламимиз физик жараёнларга дуч келасиз. Ўқувчиларнинг яхши муҳандис, техник ёки астроном бўлишида ҳам бу фанининг ўрни алоҳида. Шу боис, ўқувчиларим физика фанини чуқур ўрганиши учун барча интерфол усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Ўқувчини замон талаблари асосида тарбиялаш умумдавлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Бу ҳар қандай жамият, оила ва таълим масканидаги ўқитувчи ва мураббийлар олдида қўйилган муҳим талабдир. Мактабнинг самараси битирувчиларнинг ҳаётда муваффақиятга эришиши билан ўлчанади. Бунинг биринчи катта мезони ўқувчиларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириш кўрсаткичи бўлса, кейингиси муайян соҳада фаолият юритаётгани ёки бизнес билан машғуллигидир.

Биология фани ўқитувчиси. Кишлоқ мактабидан дарс бераман. Соҳада 40 йилга яқин меҳнат қилдим. Фаолиятим давомида кўплаб шогирдлар чиқардим. Улар орасида таниқли биологлар, тиббиёт ходимлари бор. Туманда халқаро PISA тадқиқотлари бўйича тренерлик қилганман.

Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳа ислохотларнинг бош йўналиши саналади. Таълим тизимидаги туб бурилишлар, аввало, ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, обрўси ва мавқеини таъминлашга хизмат қилди.

Йиллар мобайнида ўқитувчилар синалди. Касб байрамимизни пахта далаларида нишонлаган пайтларимиз ёдимда. Бугун эса эъзоз ва эҳтиромга муносиб кўриляпмиз. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий жиҳозлар билан таъминланган муҳташам таълим масканлари қад ростлаяпти. Таълимнинг ўқув, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Ўқитувчиларнинг ўз устиди ишлашига шароит яратилди. Ахир замон тезкор, янгилликка интильмасангиз, ҳеч қандай натижага эриша олмайсиз. Бу эса доим изланишда бўлишингизни талаб этади. Устозининг ўқиё-ўргатганини кўрган ёшлар ҳам билим олишга интилади. Хозир болаларнинг янги технологиялардан, компьютер манбаларидан фойдаланиши кенг оммалашган. Биз улардан орқада қолмас, яхши ўқувчи чиқара олмаймиз. Бунинг учун неча ёшда бўлишимиздан қатъи назар, ҳаракат қиламиз.

Барча ҳамкасбларимга эътироф, эъзоз-мураббат бўлсин!



истаётганини ҳис қиламан. Шу боис, ўз устимда ишлашни қанда қилмайман.

Президентимиз байрам арафасида ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқотида “Бизнинг дунёдаги энг азиз ва мўътабар хазинамиз — бу умримиз гули ва меваси бўлган фарзанд ва набираларимиздир. Ҳеч шубҳасиз, барчамиз уларнинг келажакда бахтли ва саодатли инсонлар бўлиб яшагини истаймиз. Лекин бунга эришиш осон эмас. Айниқса, бугунги таҳликали даврда эзгу мақсадларга етиш учун инсонга ҳушёрлик ва огоҳлик, қатъий ирода, юксак билим ва кенг дунёқараш, замонавий касб-ҳунарлар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Таълим ва тарбия — бутун жамиятнинг муқаддас ишидир”, деди.

Ишони — катта масъулият. Таълим бериш сифатини янада ошириш, ватанга, жамиятга етук кадрларни тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида камол топишга ҳисса қўиш масъулияти зиммолда турган экан, бор кучим ва салоҳиятимни шу элу юрт учун муносиб фарзандлар тарбиялашга сарфлайман.



Шу йил ўқувчим 54-халқаро физика олимпиадасида бронза медалини қўлга киритди. Ўқувчиларим орасида АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикасининг ну-

“Баъзан ўқувчиларим “Устоз, сиз ҳам чарчайсизми?” деб савол беради. Йўқ, мен ҳеч қачон меҳнат қилишдан чарчамаганман. Болаларни, мактабни яхши кўраман. Агар иккинчи марта яшаш имкони берилса, қайтадан ўқитувчилик касбини танлаган бўлардим. Оғир пайтларда ҳам соҳани ташлаб кетиш ҳаёлимга келмаган. Шогирдларим ичида фан докторлари, нуфузли таълим ташкилотларида раҳбар лавозимларида ишлаётганлар кўп. Улар менинг фахрим, ғурурим.

Иллёс РАУТОВ,
“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган халқ таълими
ходими” фахрий унвони соҳиб:

— Айрим туйғуларни, кечинмаларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Улар фақат ҳис қилинади. Менда ҳам байрам арафасида шундай бўлди. Хушхабарни эшитиб, қаттиқ ҳаяжонландим.

2016 йили “Шухрат” медалига муносиб кўрилган эдим. Ўшанда мукофот масъулияти ниҳоятда катта эканини ҳис қилганман. Ўътироф менга қанот бағишлаганди. 6-9-синфлар мактаб дарслигидаги мавзуларнинг ҳаммаси асосида мультимедиа дарсликлари тайёрлаганман. Кейинчалик уни яна бойитиб бордим. 2017 йилда бу дарсликлар республика бўйича оммалашди. Дарсликлар тақризидида қатнашдим. Ҳаммуаллиф бўлдим. Иккинчи ва учинчи Устозлар миллий форумида иштирок этиб, форум материалларини вилоятдаги ҳар бир ҳамкасбимга етказишга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларим республика олимпиадаларида



фузли олийгоҳларида таҳсил олаётганлар кўп. Уларга таълим йўналишлари бўйича индивидуал маслаҳат ва олийгоҳларга ҳужжат топириш, рўйхатдан ўтиш бўйича керакли тавсиялар бериш, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари ҳақида маълумотлар, эҳтиёж юқори касблар билан таништириш ва уларга йўналиштиришга ҳаракат қилдим, қилапман.

Мамлакатимизда таълим йўналишида жуда катта ислохотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар бўляпти. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани алоҳида ҳодиса. Мақсад — илгор халқаро тажриба ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ватанпарвар, билимли ёшларни тарбиялаш. Шундай таълим муассасалари бугун юртимизнинг ҳар бир вилоятда фаолият бошлаган. Бу мактабларга тайёрларликнинг ўзи ўқувчиларнинг ўз устиди ишлаш кўнимасини шакллантиради. Бу ерда қўлланилаётган илгор методика бугун самара берапти. Болаларимиз халқаро нуфузли олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

муваффақиятли иштирок этди. Юртимизда Сингапурнинг Marshall Cavendish Education ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган математика ва табиий фанлар ўқитувчилари учун семинар-тренингда иштирок этиб, у ерда ўрганган билим ва кўнималаримни вилоятдаги ҳамкасбларимга етказишга ҳаракат қилдим. Жумладан, таълим тажрибаси ва жараёнларни режалаштириш, устозлар учун иш режасини тайёрлаш ва тақдим этиш, PISA тадқиқотлари, унинг аҳамияти каби мавзулар мазмунини тушутирдим. Инновацион дарс ўтиш усулларини амалиётга таътиб эта олдим.

Мактабимиз ўқувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган йили 60 фоизни ташкил этди. Бу эса таълимдаги энг илгор тажрибаларни амалиётда қўллашимиз натижасидир. Аввал назарий билимга чуқур эътибор берилган бўлса, энди таълимнинг компетенциявийлиги, ҳаётда қўлланилишига кўпроқ аҳамият қаратиляпти.

Чуқур таҳлилий масалалар, формулалар билан ишлаш баробарида ўтилган мазмунни ҳаётда қўллаш, керакли жойда ундан фойдаланиш ва бу борада ўқувчи томонидан билдирилган гоъларни эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қилиляпти. Эҳтимол, бу гоълар давлат аҳамиятидаги янгиланган бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси эса таълимни ҳаётда қўллашга интилитувчи ҳаракатлардир. Бу боланинг интеллектуал онгини ривожлантиради.

Баъзан ўқувчиларим “Устоз, сиз ҳам чарчайсизми?” деб савол беради. Йўқ, мен ҳеч қачон меҳнат қилишдан чарчамаганман. Болаларни, мактабни яхши кўраман. Агар иккинчи марта яшаш имкони берилса, қайтадан ўқитувчилик касбини танлаган бўлардим. Оғир пайтларда ҳам соҳани ташлаб кетиш ҳаёлимга келмаган. Шогирдларим ичида фан докторлари, нуфузли таълим ташкилотларида раҳбар лавозимларида ишлаётганлар кўп. Улар менинг фахрим, ғурурим.

Камтарона меҳнатим юксак мукофотга муносиб кўрилгани менга чексиз шараф ҳамда катта масъулият берди. Бу нафақат менга, балки ажойиб жамоам, ҳамкасбларимга берилган мукофот ҳамдир.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш жараёни ҳар биримиздан салоҳиятимизни ошириб боришни талаб қилади. Битирувчиларимизнинг нафақат олий таълим билан 100 фоз қамраб олинишига эришишимиз, балки барчасини фақат давлат гранти талабига муносиб тайёрлашимиз ва бунга эришиш учун бор имкониятимизни, педагогик маҳоратимизни ишга солишимиз зарур. Бунинг учун эса мамлакатимизда барча шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, педагогларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Меҳнатим муносиб баҳолалиб, давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ қўрилиши ана шу эътиборга биргина мисолдир. Бу менга куч-қувват берди. Келгусида бор салоҳиятимни ёш авлоднинг билими, зукко ва шу эл, ватан хизматиға қамарбаста бўлиб вояга етишига сарфлайман.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

Қизларсара НАМОЗОВА,
“Дўстлик” ордени соҳиб:

— 46 йилдан буён Жарқўргон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабидида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келяпман. Уйимдек азиз бўлиб қолган бу мўътабар даргоҳда гўё ҳар йили ўз болаларимни такрор ва такрор тарбиялайман, уларга баҳоли қудрат ҳарф таълимига, оламни ўз дунёсининг ҳадсиз кенгликларида туриб тасаввур қилишига кўмаклашаман.

Шу йўлда ирода намоиши қилаётган жонқуяр ўқитувчилар қаторида ҳали-ҳамон бор эканимдан беҳад хурсандман. Ёшим ўтди, чарчадим деймай, даврга мослашишга, унинг талабларига муносиб жавоб қайтариш учун таълимчи ҳаракат қилганим учундир, бугун “Дўстлик” ордени билан тақдирландим, эътироф этилдим. Унчалик ҳам катта бўлмаган маҳалланинг мактабидида виждон амрига қўлоқ тутиб ишлаб келётган бир аёлнинг

қилиш истагидан келиб чиққан фазилатлар ўзига хос домий тимсолу аломатларга айлана боради. Ҳозирги тил билан айтганда, шу тари-ка имиж яратилди. Мисол учун, Ўзбек — меҳ-мондўст, дилкаш ва бағрикенг миллат. Япон ундай, инглиз бундай ва ҳоказо. Яъни миллат вакиллари ўз маънавий юксаклигига чиқиб олиб, ўзини, ўзлигини кўз-кўз қилишни, шу орқали дунёга жар солишни кўзлайди. Фахрла-нади, гурурланади. Бунинг ёмон жойи йўқ. Бу, бир томондан, миллий гурур манбаи сифатида, иккинчи томондан, жаҳон халқлари назарини “ишғол” этишда жуда қўл келади.

Шу ўринда мулоҳаза тугилади.

Гап шундаки, ҳар қандай миллий тафак-кур муайян даражада муболагага мойиллик туйғусидан холи қололмайди. Бунинг нати-жасида пича бўрттириш, пича ошириб кўрса-тиш унсурлари вақт ўтгани сайин оддий кў-никмага-трафаретга айланиб кетади. Ақидага айлангани сари тил-қулқ одатланади-да, ун-даги даққилик, беўхшовлик сезилмай қолади. Мисол учун, қачон, қаерда Ўзбек менталите-тидаги миллий ўзимизга хос фазилатлардан сўз очилса, биринчи навбатда, меҳмондўст халқ эканимиз фахрлиниб тилга олинади.

Яна бир мулоҳаза. Давлат маҳфиясининг улугвор жаранги ҳар қандай қалбга жўшқинлик бахш этади. Баралла жўр бўлиб қўйлаш мароқ бағишлайди ҳар бир ватандошимизга. Бироқ қўлни кўксимизга қўйиб қуллۇқ қилиш ҳақида ўйлаб кўрсак-чи? Миллий бағрикенглик, муро-саи мадорга мойиллик тимсоли бўлиб қоли-шини истағимизни шу манзара орқали?

Қонунга бўйсунамиз, албатта, лекин ўз-бек шунча вақт қуллۇқ қилгани етар. Қуллۇқ қилишни қонунаштриб қўймаймизми? Учинчи Ренессанс ишқиди одим ташлаётган миллат дунёга бошини, қадди-қоматини ғоз тутган ҳолда мағрур юзлангани маъқулроқ эмасми? Улуг шoirимизнинг қуйидаги ўлмас мисрасини нечун унуттишимиз керак:

Қайга бормай, бошда дўлтиш,
Ғоз юрарман, фарх этиб...
Мутахассислар, зиёилар, кенг жамоатчи-лик ушбу масала юзасидан кенгашайлик.

— Жадид мунавварларимиз даврининг кичик Ренессансга қиёсланишига қандай қарайсиз?

— Қаранг! Жадид оталаримиз давридаги халқимиз илм-маърифатга, замонавий янги-ланишларга ташна миллат сифатида эътироф этилди. Нақадар ажойиб! Шунинг ўзи Уйғо-ниш, маънавий-интеллектуал Ренессанс!

XX аср аввалида Туркистон ўлкасида вужуд-га келган жадидлик ҳаракати жаҳон халқлари тарихида қўиси йўқ уникил воқеа! Ўтмишдаги Биринчи ва Иккинчи Ренессансга тенглашти-риш шарт эмас, албатта, аммо минтақамизда тутилган, фаолият юритган жадидлик ҳаракати — XX аср Ренессанси! Миллий чўққи!

Диний китобларимизда қалб ва шуурдаги ниятга алоҳида урғу берилди. Улуг ният ҳа-то амалдан-да юқори қўйилади. Шу тушун-чадан келиб чиқса, жадидлик ҳаракатининг аҳамияти бутун бетакоррлиги билан кўз ўнги-мизда намоён бўлади. Ушбу ҳаракат тарихига доир янгидан янги маълумотлар билан таниш-ганимиз сайин ҳаётга эрк бермай илож йўқ. Президентимиз топиб айтганидек, жадидлик ҳаракати ўн гулидан бир гули очилмай бўғиб ташланмаганида айни кунларимиздаги жуда кўп-лақ муаммолар ўз-ўзидан ечимини топиб кетган, халқимиз янада юқори мақомдаги ҳаё-тий масалалар билан машғул бўлар эди.

Эътибор берайлик: жадидлик чўққиси давридаги улугвор орзулар ва бугунги муам-моларга ечим топиш ўртасидаги яқинлик, уй-ғунлик тарихий даврнинг узлуқсизлигидан, кечаги ва ундан аввалги ўтмишимизнинг бу-гунимиз ҳамда эртанги истиқболимиз билан муштараклигидан далолат. Бу омил орзудаги юксакликларни ҳаётимиздаги юксакликларга айлантиришини истамоқдамиз.

— Қандай одамларни замонавий жа-дидлар дея оласиз?

— Замонамиз жадидлари оз эмас. Бундай деганда, илмга ташна, нияти тоза, фидойи, кунни, вазиятни ва ижтимоий-сиёсий муҳит-нинг бор мураккаблигини таҳлилий тафак-кур чиғирғидан ўткази оладиган мунаввар инсонларимиз назарда тутилмоқда, албатта. Замон, сиёсат, турмуш тутғуларни тинимсиз ўзгариб турган маскану манзилда ҳар қандай ёмонлиқни яхшиликка, оғирлиқни енглилик-ка айлантирмоқ йўлида ҳаловатидан воз кеч-ган киши — жадид.

Ўзгаришлар уммонида ўзликни асраб қо-лиш осон кечмаяпти, манфаат тушунчаси сарҳад билмай қолди. Яширмайлик, “Бу ерда бўлмаса, бошқа жойдан топаман” деган ту-шунчага чалғиётганлар ҳам оз эмас.

Чикагода (АҚШ) ўзбек маданий маркази-га тақлиф қилишди. Бордим, юздан зиёд ва-тандош, миллатдошлар жам бўлди. Дилдан гурунлашдик. Якунда “Эртага Тошкентга қайтяман”, дея мезбонлардан изн сўрадим. Шунда, тасаввур қиласизми, йиғилганлар-нинг қарийб бари менга ҳавас билан қўзлари чарақлаб, “Бизни ҳам олиб кетинг!” деб бара-варига қўл кўтарди.

Тасвир қилиш тил ожиз бир манзара, кай-фият. Назаримда, шу манзара, шу лаҳза ҳар қандай инсонни ҳаяжонлантириб юборади-ган миллий юксаклик чўққиси бўлиб туюлди менга!..

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
суҳбатлашди.

Эътибор берайлик:
жадидлик чўққиси
давридаги улугвор орзулар
ва бугунги муаммоларга
ечим топиш ўртасидаги
яқинлик, уйғунлик тарихий
даврнинг узлуқсизлигидан,
кечаги ва ундан аввалги
ўтмишимизнинг бугунимиз ҳамда
эртанги истиқболимиз билан
муштараклигидан далолат. Бу
омил орзудаги юксакликларни
ҳаётимиздаги юксакликларга
айлантиришини истамоқдамиз.

Бирдек ҳаракатга келтирадиган улкан ғоя ас-лида бу! Учинчи Ренессанс мана шу маёқ ва-зифасини иккинчи чорагида яшаётган дунё миллат эмаслигига, ўтмишида осмонўпар тоғ чўққилари қўкка қадрар бўйи чўзиб турганидан ҳақли равишда фахрлана олишимизга эътибор қаратилмоқда. Янада муҳими, халқимизнинг айни замондаги мавжуд салоҳияти Учинчи Уй-ғонш даврини яқинлаштиришга қодирлигига урғу берилмоқда. Бу ниҳоятда улуг мақсад, улуг ният, улуг орзу!

Айни чоғда ҳар қандай миллат, халқ тирик организм сингари ўзини ўзи асраш имуните-ти билан яшайди. Ушбу имунитет талаби ва эҳтиёжига кўра миллат тийнатига ўзини уй-ғу-ловчи, кўнгилларни кўтарувчи, руҳий мадад ва-зифасини ўтовчи, керак бўлса, ўзини кўз-кўз

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюроғи — 3442
41218 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:28 Топирилди — 23:10

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05